БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 143 (18.021). • 21 июнь 1981 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан Москва шаҳри ва Свердловск области илғор корхоналари ва бирлашмалари коллективларининг ташаббуси тўғрисида» қарор қабул қилди.

Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини тобора юксалтириш тўғрисида КПСС XXVI съезди қарорларининг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида Москва шаҳри ва Свердловск области илғор корхоналари ва бирлашмаларининг коллективлари шу беш йилликда кенг истеъмол моллар ишлаб чиқаришни анча ошириш, унинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ташаббускори бўлдилар.

Москва шаҳри ва Свердловск областининг партия ва совет органлари ишлаб чиқариш коллективларининг шу муҳим социал масалалардаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг комплекс программаларини илмий тадқиқот, лойиҳалаш ва бошқа ташкилотларни кенг жалб этиб ишлаб чиқдилар. Белгиланган тадбирларда кўпчилик саноат корхоналари ва бирлашмаларида аҳоли учун керакли буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилган. Моллар сифатини яхшилашга, янги турларини, шу жумладан тех ника жиҳатидан мураккаб турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, кўплаб талаб қилинаётган истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга катта аҳамият берилади.

Бу программаларнинг амалга оширилиши ишлаб турган корхоналар ва цехларни реконструкциялаш ва ихтисослаш, илғор технология жараёнларини жорий этиш, хом ашёдан, шу жумладан маҳаллий хом ашёдан ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан янада яхшироқ фойдаланиш ҳисобига таъминланади.

КПСС Марказий Комитети ўн биринчи беш йилликда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, унинг хилларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш юзасидан Москва шаҳри ва Свердловск области илғор корхоналари ва бирлашмалари коллективларининг ташаббусини маъқуллади.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга шу қимматли ташаббусни кенг оммалаштириш, тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, корхоналар ва бирлашмаларнинг, шу жумладан оғир саноат тармоқларидаги корхоналар ва бирлашмаларнинг мавжуд резервлари ва имкониятларини тўла сафарбар этиш негизида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун меҳнат коллективларида социалистик мусобақани авж олдириш тавсия этилди. Аҳолини кун сайин талаб қилиналиган моллар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

Марказий ва маҳаллий газеталарга, радио ва телевидение редакцияларига, аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун бошланган социалистик мусобақанинг боришини, шу мақсадларда корхоналар ва бирлашмаларнинг ички резервларидан яхшироқ фойдаланиш тажрибасини кун сайин ва чуқур ёритиб бориш таклиф қилинди.

ЗАРБДОР 100 КУНЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

СУҒОРИШГА АЪЛО СИФАТ

УСТА СУВЧИЛАР МАЖИД БОБО ТУРАҚУЛОВ, УСМОН БОБО ҚУЧҚОРОВ, НОРБОЙ ОТА БЕРДИНОВЛАР МАСЛАҲАТИ

Чигит тупроқ намига ундириб олинади, ёш ниҳоллар шу нам ёрдамида ўзини тутиб, кўкка бўй чўзади. Бироқ ҳаво исиган сари нам камаяди, ғўзаларнинг сувга бўлган талаби эса ошади. Шоналаш, гуллаш, кўсаклаш ва кўсакларни етилтириш даврида сувга бўлган талаб, айниқса, кучаяди. Бир сўз билан айтганда, салмоғи оғир, сорти юқори, эртапишар пахта етиштиришда сув ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳосилдорлик ҳам сувга боғлиқ. Вақтида суғорилган, культивация қилинган, озиқлантирилган ғўза юқори ҳосил беради. Суғориш катта ишнинг бошланишидир. Сувдан кейин ер етилиши билан чуқур культивация, кетмон чопиги қилиб, намни тўла сақлаб қолиш, сувнинг бугланишига асло йўл қўймаслик керак.

Баъзи йилларда сув кўпроқ, баъзида озроқ бўлади. Буёғи сувчиларнинг миришкорлиги, санъатига боғлиқ. Оз сув билан катта майдонларнинг ғўзасини қондириб суғориш мумкин. Эгасизликка йўл қўйилса, кўп сув исроф бўлиши ҳам мумкин. Сув — зар, сувчи — заргар. Шундай экан, биринчи йўлдан боришимиз, оз бўлганда ҳам, кўп бўлганда ҳам сувдан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланмоғимиз, ғўзани чанқатмай суғоришимиз, очиқтирмай озиқлантиришимиз, қатор ораларида ҳамиша нам бўлишини таъминлаб, пахтадан юқори ҳосил етиштиримоғимиз керак. Шунда партиямиз, халқимиз раҳмат дейди пахтакорларга.

Бу йилги шароитни олайлик. Етингарчиликлар кўп бўлди, тупроқ қатламида нам кўп тўпланди. Лекин ёмғир сувини ғўзага фойдаси кам. Аксинча, сизот сув кўтарилянти, ер шўрланянти, тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти камайянти, ғўза илдизлари атрофида тўпланган аччиқ сув ўсимликнинг ўсиш, ривожланишига ёмон таъсир қилянти, айни кезда бегона ўтларнинг кўпайишига қулайлик яратянти ва демоқчимизки, культивация ва чопиқни кучайтириб, тупроқ қатламидаги ёмғир сувини буғлатиб юбориш, ерни губордан тозалаш керак. Шунда ғўза тез ўсади, шоналайди, гуллайди, кўсаклайди.

Сувчилик қийин, аммо шарафли касб. Сувчилар кеча-кундуз тиним билмайди, ҳар қатра сув, унинг самарадорлигини ошириш учун курашади, кўп қийинчиликларга дуч келади. Сув йўллар ва бошқа керексиз жойларга оқиб ётмаётганмикин, эгатларда равон оқаётганмикин, ёш ниҳолларни пайхон қилиб қўймаётганмикин, зовурларнинг йўли беркитилганмикин, бугун ариқларда тўлиб оқаётган сув эртага камаймасмикин... хуллас, унинг ташвишлари кўп. Бу билан шуни айтмоқчимизки, сувчиликка ана шу қийинчиликларни енгишга қодир, ҳар литр сувни қадрлайдиган, ҳосилдорликни ошириш манфаатларига хизмат қилдирадиган уста деҳқонларни кўйиш керак. Ҳар бир сувчига ёрдамчи шогирдлар биркитиш лозим.

Сувчиларга ишонишимиз керак, албатта. Айни кезда уларнинг ишини кеча-кундуз текшириб боришимиз, амалий ёрдам беришимиз зарур. Нега бундай деймиз? Бир сувчига бир кеча-кундузга бир ярим-икки гектаргача майдондаги ғўзани суғориш графиги берилади. Сувчи ўша графикни бажарянтими, бирор туп ғўза сувсиз қолдирилмаянтими, эгатлар олачипор бўлмаянтими? Айниқса, тунги суғориш яхши ўтказилянтими? Ана шулар мунтазам текшириб турилиши керак. Масаланинг яна бир нозик томони бор. Ғўза чанқади дейиз-у, пайкаларга сув тарайиз. Хўш, ўша пайкаллар бегона ўтлардан тўла тозаланганми, эгат ораларига минерал ва органик ўғитлар қоришмаси солинганми? Буларга ҳам эътиборни қаратмоғимиз керак. Сабаби, сув ўғитларни илдизга тез етказиб берди, ғўзанинг ҳосил тўплашига ёрдамлашади. Бегона ўтлар эса сувни ҳам, ўғитларни ҳам ғўзадан кўра кўпроқ ҳазм қилади. Шуни ҳисобга олиб ,бегона ўтлардан тўла тозаланган карталарга сув қўйилик!

Маълумки, суғориш пайтида карталарнинг ўртасидан ўқариқлар чиқарилади, марзалар олинади. Ўқариқлар нечоғли калта, марзалар баландроқ олинса, эгатларга сув тараш шунча осонлашади, ер нормадан зиёд захламайди. Сув эгатларда бир кеча-кундуз жилдиратиб оқизилгандагина илдизларга яхши етиб боради, марзалар қораяди. Деҳқонлар буни тупроқ «кусди» дейишади. Ҳамма жойда ғўзани тупроқ «қусгунча» қондириб суғориш керак. Кўпинча эгатларнинг бош қисмидаги ўсимлик сувга қониб, дуркун ўсади, барвақт ҳосилга кириб, кўсакларни эрта етилтиради. Лекин айрим ҳолларда эгатларнинг охиридаги ўсимлик сувга қонмайди, камҳосилли бўлиб қолади. Бунга мутлақо йўл қўймаслигимиз керак. Ҳар туп ғўза, у картанинг бошидами, ўртасидами, охиридами сувчилар ардоғида бўлмоғи даркор. Текис суғорилган ғўзадан текис, юқори ҳосил олинади.

Бу йилги шароитда ғўзага ўғитлар эрта берилиб, тўғри қилинянти. Совхозимизда чопиқ тракторларининг ҳаммасига СУЗ ўғитлагичлари осилган, культивация вақтида қатор ораларига нормаси ўғитлар қоришмаси солинганми? Буларга ҳам эътиборни қаратмоғимиз керак. Сабаби, сув ўғитларни илдизга тез етказиб берди, ғўзанинг ҳосил тўплашига ёрдамлашади. Бегона ўтлар эса сувни ҳам, ўғитларни ҳам ғўзадан кўра кўпроқ ҳазм қилади. Шуни ҳисобга олиб ,бегона ўтлардан тўла тозаланган карталаргагина

Интернационал бурчга садоқат: Ўзбекистон–Ноқоратупроқ ўлкага

ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети РСФСРнинг Владимир областига оталиқ ёрдами бериш юзасидан Ўзбекистон ССР «Госкомводстрой»и коллективлари ва Самарқанд область меҳнаткашларининг ташаббусини маъқуллади. Муҳбиримиз Э. Хўжаев Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиш давлат комитети раиси Набижон Ғаниевич ҚУРБОНОВдан ана шу ватанпарварлик ҳаракатининг аҳамиятини шарҳлаб беришни илтимос қилди:

— Бундан уч йил муқаддам новгородликлар партия даъвати, қалб амрига қулоқ солиб Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришга азму қарор қилган бир гуруҳ ўзбекистонлик мелиораторларни — комитетимизга қарашли коллективларни зўр шоду хуррамлик билан қарши олган эдилар. Юлаб ирригатор, мелиоратор ва қурувчиларимиз жуда қисқа муддатларда Парфино районининг марказида махсус қурилиш бошқармаси туздилар. Улар ноқулай об-ҳаво шароитларида, ботқоқлик, тошлоқларда яратувчилик ишларини амалга оширмоқдалар.

Барча совет кишилари каби комитетимизнинг кўплаб бўлинмалари жонажон партиямиз XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1981—1985 йилларда РСФСР Ноқоратупроқ зонасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини самимий мамнуннят туйғулари билан кутиб олдилар.

Коллективларимиз Ноқоратупроқ зона қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ишига кўпроқ ҳисса қўшишга интилаётганликларини изҳор этмоқдалар. Бу нарса КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съезидаги докладида РСФСР Ноқоратупроқ зонасини ривожлантиришни барча республикаларнинг кучгайратлари билан ва мумкин қадар қисқа муддатларда амалга ошириш керак, деган сўзларига мос тушади. Шунинг учун ҳам комитетимизнинг кўп сонли мелиораторлари, ирригаторлари, қурувчилари РСФСР Ноқоратупроқ ўлкасини ҳар томонлама юксалтиришда оталиқ ёрдамини анча кучайтиришни ўзларининг интернационал бурчлари деб ҳисоблашмоқдалар.

Биз яқинда Ноқоратупроқ ўлка таркибига кирувчи Владимир областига сафар қилдик. Бундан мазкур область меҳнаткашларининг бошлари қўкка етгудек бўлди. Чунки, чўлларни ўзлаштириш, уларда боғу бўстонлар яратиш, мураккаб ирригация иншоотларини бунёд қилишда донг қозонган, фидокорона меҳнатлари билан Иваново ва Новгород областлари қиёфасини тубдан ўзгартираётган ўзбекистонликларнинг қиммат қўлини чўзаётганлиги уларни ғоятда мамнун этган эди. Биз Владимир области раҳбарлари, мутахассислари билан бўлажак иш жойларини бориб кўрдик. Мещерск чўкмаси зонасидаги Гусь-Хрустал, Суздаль, Меленки, Струнино районлари ботқоқзорларини қуритиш, уларни сунъий ёмғир ёғдириш воситалари ёрдами билан суғориш режалари тўғрисидаги таклифларимизни бажонидил қабул қилишди. «Асерховский» совхозини комплекс қуриш ҳамда кўплаб ишлаб чиқариш ва маданий-маиший аҳамиятга молик объектларни тиклашга сўз бердик.

Бунга кўп бўлгани йўқ. Аммо Владимир областида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди, десам ҳато қилмаган бўламан. Владимир шаҳрида махсус «Ўзвладимирводстрой» қурилиш тресті ташкил этилди. Унинг бошқарувчиси вазифасига ёш, ғайратли мутахассис Мурод Цўлатович Пўлатов тайинланди. Эндигина 31 баҳорни кўрган М. Пўлатов ўзининг ташаббускорлиги, изланувчанлигини «Самарқандводстрой» трестига раҳбарлик қилганида намойиш этган эди. Ҳадемай, янги трест составида бешта кўчма механизациялашган колонна тузилади.

Зиммамизда каттагина ҳажмдаги ишлар бор. Уларнинг кўламини тасаввур қилиш учун иккита рақам келтирмоқчиман. Коллективларимиз меҳнат қиладиган районларда ўнинчи беш йилликда владимирликлар 15 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этган эдилар. Биз эса ўн биринчи беш йилликда 45 миллион сўмлик довонни кўзламоқдамиз. Кўрдингизми, бўлажак иш фронти нақадар катта!

Мутахассисларимиз, мелиоратор-механизаторларимиз, қурувчи-ирригаторларимиз Новгород области Парфино районини ўзлаштиришда дастлабки қийинчиликларни енгиб, анчагина тажриба орттирдилар. Бу тажриба Владимир области шароитида жуда қўл келиши турган гап. Шунинг учун биз ўн биринчи беш йилликда камида 28 минг квадрат метр уй-жой биносини қуриш, 480 ўринли ҳунартехника билим юртларини тиклаш, йирик автобаза ва саноат базасини ташкил қилиш мажбуриятини олдик. Энг муҳими — 12,8 минг гектар майдоннинг захини қочириб, уларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритишга тайёрлаш, 5,7 минг гектар ерни суғориш, юқорида айтилган совхоз қурилишида 12 миллион сўм капитал маблағни ўзлаштиришимиз керак. Новгород областига борганимизда биринчи йилни тайёргарлик ишлари билан ўтказган эдик. Владимир областида эса бундай бўлмайди. Область меҳнаткашлари бизнинг ихтиёримизга энг янги замонавий машина-механизмларни, техника воситаларини ажратиб бердилар. Шунинг учун 1981 йилдаёқ 7 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришга бел боғладик.

Ҳозир Владимир областида ўзбекистонлик мутахассисларнинг дастлабки гуруҳи иш бошлади. Ҳадемай, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети бизнинг ихтиёримизга 200 кишидан иборат студент-қурилиш отрядларини юборади. Гидромелиорация техникумларини битириб чиқувчилардан 30 киши ва зарур миқдордаги олий маълумотли мутахассислар келади. Ҳунар-техника билим юртларини битириб чиқувчи группалардан 150 киши ҳам ишлаб чиқариш практикасини Владимир областида ўтказиш ҳоҳишини билдирди.

Коллективларимиз ўзлари бошлаган ташаббуснинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети томонидан маъқулланганидан ғоятда миннатдордирлар. Шубҳа йўқки, Ўзбекистон мелиораторларининг янги ташаббуси ўзбек ва рус халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, КПСС XXVI съезди-нинг РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшади.

«КОСМОС-1267» «САЛЮТ-6» СТАНЦИЯСИ БИЛАН ТУТАШТИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1981 йил 19 июнь куни Москва вақти билан соат 10 дан 52 минут ўтганда Ернинг сунъий йўлдоши «Космос-1267», «Салют-6» орбитал илмий станцияси билан туташтирилди. Бу станция ҳозирги вақтда автомат режимда учмоқда.

1981 йил 25 апрелда Ер атрофи орбитасига чиқарилган Ернинг сунъий йўлдоши «Космос-1267» перспектив космик аппаратлар конструкцияларининг системалари ва элементларини синаб кўриш, шунингдек катта габаритли ва массали орбитал комплексларни йиғиш методларини пишиқтириш учун мўлжалланган. Ўтган давр мобайнида мустақил учишнинг турли режимларида, шу жумладан йўлдош ҳаракати траекториясини ростлаб қўйиш вақтида ва бошқа динамик операцияларда йўлдош аппаратларининг иш қобилияти текширилиб кўрилди.

Станция ва йўлдош ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Учишни бошқариш марказига келаётган ахборотлар ишлаб чиқилмоқда ва ўрганилмоқда.

ТАБИАТНИ АВАЙЛАБ АСРАШ ҲАР БИР КИШИНИНГ ИШИ

Партиянинг табиатга ёрдам бериш, уни муҳофаза қилишни кучайтириш, табиий ресурслардан ҳозир яшаб турган ва келажак авлодларнинг манфаатларини ўйлаб оқилона фойдаланиш тўғрисидаги топшириғини Бутунроссия табиатни муҳофаза қилиш жамияти VII съезднинг делегатлари ҳар бир кишининг жонажон иши деб таърифлади.

Россиядаги мана шу оммавий ташкилотнинг съезди 19 июнь куни Москвада, Союзлар уйининг Колонналар залида ўз ишини тамомлади. Экология талаблари ошиб бораётганлиги ва ўн биринчи беш йилликнинг катта вазифалари муносабати билан қилинган ишлар якунланди ҳамда 1981—1985 йилларда жамиятни ривожлантириш истиқболлари белгиланди.

Съезд Бутунроссия табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар қабул қилди. Жамиятнинг раҳбар органлари—унинг марказий кенгаши ва ревизия комиссияси сайланди.

Бўлиб ўтган пленумда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги В. Н. Виноградов яна Бутунроссия табиатни муҳофаза қилиш жамияти марказий кенгаши президиумининг раиси қилиб тайинланди. (ТАСС).

ШАҲАР БАЙРОҒИДА ОРДЕН

ЛОМОНОСОВ, (Ленинград области), 19 июнь. (ТАСС). Кеча бу ерда Ломоносов шаҳрига I даражали Ватан уруши ордени топширилишига бағишланиб шаҳар ва район меҳнат коллективлари намояндаларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Шаҳар меҳнаткашлари улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги, хўжалик ва маданий қурилишдаги катта муваффақиятлари учун ва шаҳарга асос солинган кунга 200 йил тўлиши туфайли шаҳар шу мукофот билан тақдирланди.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов нутқ сўзлади.

У гулдурос қарсаклар остида Ломоносов районининг меҳнаткашларига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий қутловларини топшириди.

Г. В. Романов СССР Олий Совети Президиумининг Ломоносов шаҳрини I даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ҳамда мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида мукофотни шаҳар байроғига тақиб қўйди.

Йиғилишда сўзга чиққан партия, совет, комсомол, жамоат ташкилотларининг намояндалари, уруш ветеранлари, меҳнат илғорлари юксак мукофот учун, Ленинград шаҳрини ва областини ривожлантириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига, Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар.

ТЕЖАМКОРЛИК — ЮКСАК ФАЗИЛАТ

БЕБАҲО БОИЛИК

Водопровод сувя социалистик ишлаб чиқариш маҳсули бўлиб, халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Тресті-миз коллективи партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли моддий ва маданий даражасини ошириш, унинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш тўғрисидаги қарорларига амал қилиб, шаҳар меҳнаткашларини водопровод суви ва канализация хизмати билан узлуксиз таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилиб келмоқда. Шу мақсадда трестимизда ҳар йили барча иншоотлар ва шаҳобчаларни, энергетика ва механика асбоб-ускуналарини яхши ҳолатда сақлаш, ҳамма хизмат бўлинмаларининг авариясиз ишлашини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётир. Бунинг учун шаҳар хўжалиги 11 миллион сўм маблағ сарфлаяпти. 2500 нафар киши обиҳаёт истеъмолчиларга бориб етиши учун тайёр қилмоқда. Шуни айтиш кифояки, бир йил давомида водопровод суви ҳосил қилиш учун 155.000 киловатт-соат электр энергияси, 600 тонна суюқ хлор, 2.123 тонна глинозем ишлатилмоқда. Ҳозирги пайтда аҳолиси қариб 2 миллионга етиб қолган Тошкент шаҳри бир кеча-кундузда 1.800 минг кубометр водопровод сувини истеъмол қилаётир. Бунда коммунал-майший ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кетадиган суви ҳам ҳисобга олинаётир. Бугунги кунга келиб шаҳардаги водопровод иншоотларининг қуввати баҳор ва куз даврларида аҳолининг ичимлик сувга бўлган талабини тўла-тўкис қондира олади. Сув энг кўп ишлатиладиган қиш пайтида, айниқса, ёзда эса бу иншоотлар катта босим билан ишлаб, барча чора-тадбирлар қўрилишига қарамай айрим районлар, шунингдек, кўп қаватли турар жой микрорайонларидаги юқори қаватларда яшовчи аҳоли сув таъминотидан тақчиллик кўрмоқда. Гап шундаки, айрим гражданлар ва баъзи хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли водопровод суви ортиқча, керексиз равишда ишлатилиб, исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бундай тоифадаги одамлар ичимлик суви, ион, кийим-кечак, пойабзал сингари энг зарур маҳсулот бўлиб, уни истеъмолчиларга етказиш учун давлатимиз кўплаб капитал маблағ сарфлаётганини, қанчадан-қанча моддий ва меҳнат ресурслари жалб қилаётганини тушуниб етмаяптилар.

Трестимиз коллективи ўз навбатида Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, республика комсомоли Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари редакцияларининг «Ҳамма жойда ва ҳар ишда тежаб-тергайлик» деган Мурожаатини муҳокама қилиб, конкрет ташкилий-техникавий тадбирлар комплексини белгилаб олди ва амалга оширишга киришди. Ушбу комплекс тадбирлар водопровод шохобчалари ва улардаги қурилмалардан янада яхшироқ фойдаланиш ҳамда сақлашни, юз берадиган аварилар ва нуқсонларни зудлик билан бартараф қилишни, шаҳар водопровод иншоотларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишни назорат этишни кучайтиришни таъминлашга даъват этилган. Албатта, коллективимиз сарфлаётган куч-ғайрат, бу ҳайрли ишга уй-жой эксплуатация ташкилотлари, квартал ва маҳалла комитетлари, шахсий уй эгалари кўшилганларигина қутилган натижа бериши мумкин.

Афсуски, бу соҳада муайян ютуқларга эга бўлсак-да, ҳали кўпгина нуқсон ва камчиликлар мавжуд. Масалан, 1980 йилда шаҳар уй-жой бошқармасининг уй-жой эксплуатацияси идораси бўйича ўтказилган текширишларда сувларнинг бекор оқиб етиши 12992 та жойда аниқланди. Шунинг натижасида 3070 кубометр обиҳаёт исроф бўлган. Идораларга қарашли уй-жой биноларида бундай ҳолат 18336 та аниқланиб, яшовчиларнинг хўжасизлиги туфайли 2585 кубометр сув нес-нобуд бўлди. Мазкур кўнгилсиз ҳолатларнинг 30 процента «Главташкентстрой» уй-жой конторасига тегишли эканлиги кишини ташвишлантиради.

Баъзи корхоналар сувдан бошқа мақсадларда фойдаланаётганликлари ҳам маълум. Масалан, Тошкентдаги электрон-техника заводи ҳар кеча-кундузда белгиланган лимитдан ташқари 2 минг, «Промэнерго» бошқармаси эса 5 минг, Тошкент экскаватор заводи 2 минг кубометргача сувни нес-нобуд қилаётир.

Обиҳаётни оқилона, тежаб-тергаб ишлатишда шаҳримиз аҳолиси «Водопроводдан фойдаланиш қоидалари»га қатъий, аниқ риоя қилса-сувдан фойдаланишни яхшилашга бебаҳо ҳисса қўшган бўлур эдилар. Мен бу ўринда водопровод сувини ҳўл мевалар ва полиз маҳсулотларини совутишга, ҳовлиларга ва дарахтлар тагига қуйишга сарфланаётганини назарда тутмоқдаман. Ахир шу мақсадлар учун ариқ сувини ишлатса бўлади-ку? Шаҳар ирригация ва гидротехника иншоотлари трести, район ободонлаштириш бошқармалари ирригация шохобчаларини тартибга солишлари ва яхшироқ фойдаланишни таъминлашлари зарурга ўхшайди.

Агар биз ёзги мавсумда ичимлик суви билан тўхтовсиз таъминланиб туришни истасак барча куч-ғайратни обиҳаётдан хўжасизларча фойдаланишга қарши курашга сафарбар қилишимиз лозим. Халқ, давлат манфаати шуни талаб этмоқда.

З. СОЛИХЎЖАЕВ,
Тошкент «Водоканал» трести бошқарувчиси.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Турли касбдаги қариб 50 минг нафар врач, фельдшерлар ва медицина ҳамшираларининг катта армияси бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисига малакали медицина ёрдами кўрсатмоқда. Республика шаҳар ва қишлоқларида сўнгги беш йил мобайнидагина юзлаб янги касалхона, поликлиника, диспансер, санаторий-профилакторий ва бошқа медицина муассасалари қурилди.

19 июнь куни Тошкентда медицина ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шу маълумотлар келтирилди. Шаҳардаги корхона, муассаса, жамоат ташкилотларининг намояндалари шифокорларни профессионал байрам билан табриклаб, уларнинг олижаноб меҳнатида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Шу куни республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида янги доривор препаратлар, дори-дармонлар, медицина техникаси, мебели ва махсус кийимлари кўргазмаси очилди.

(ЎзТАГ).

Боғбон ҳамиша изланишда. А. Тўраев фотоси.

БОШ БОҒБОН

ОЧЕРК

Тошкент биқинидаги колхоз раислардан бири ҳар йигитда боғ бригадирларига, экономистларга маслаҳат солар:

— Бу олмазорни нима қиламиз, а? Ернинг умри бекорга ўтиб ётибди-ку. Ҳар йили юз минг сўмлик даромадан қолаверамизми? — дерди.

Раис ҳар гал кўпни кўрган чолларнинг гапини иккиланмасдан, улар ҳам ўзларича ҳақ дерди-ю, ўзини ҳам ноҳақ ҳисоблай олмас, ернинг умри бекор ўтаётганига ачинарди. У шу масалада шаҳрокомга ҳам, бошқармага ҳам, райкомга ҳам чиқиб кўрди, кўпгина колхоз раисларига маслаҳат солиб боқди. Охири муаммога жавоб топди. Раислардан бири:

— Бу муаммонинг давоси Маҳмуд аканинг қўлида, — деб қолди. — Шредер номли институт директорига боргин, улар паст бўйли янги олма нави яратишган. Ҳар гектар ерга уч-тўрт баравар кўп кўчат кетади, ҳосили ҳам икки баравар кўп бўлади. Гектаридан х ргидай 5 минг сўмдан эмас, 10 минг сўмдан даромад қиласан. Ана, сенинг юз минг сўминг қаерда ётибди! Тоқзор қилиб ўтирасанми? Маҳмуд аканинг янги олма навидан эксанг, олам гулистон, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам.

Раисни кўрсангиз эди ўша тонда. У қанот чиқариб Шредер номли институтга учгудек эди.

Маҳмуд ака ўзи соддакамтар кўринганн билан кўп зукко, бағри кенг одам экан. Раиснинг бир оғиз гапиданоқ дардини тушуниб, ҳожатини чиқаришга ваъда қилди.

— Халққа узум билан бирга олма ҳам керак. Ҳар меванинг ўз тоти, ҳислати бор, — дел керакли кўчатни расмийлаштириб олиб кетишга рухсат этди.

Ана энди, ўша эски олмазор ўрнидаги сим тортиб экилган, янги нав олмаларни кўрсангиз-ми! Ўзи одам бўйидек келмайдию, бошини еб ҳосил қилади. Кўринишн ҳам, мазаси ҳам ўн чандон яхши. Олмазормисан — олмазор. Энди раис ҳам, одамлар ҳам хурсанд...

Шунга ўхшаш воқеалар, тўғрироғи Шредер номли бирлашма олимлари кейнинги йилларда яратган паст бўйли, лекин серҳосил нав мевалар институт доғнни республикагагина эмас, бутун Иттифоққа ҳам ёйди. Пакана беҳи, олма ва анвойи шафтолиларнинг довруғи оғизга тушиб, ҳамма шу ҳақда гапирадиган, шундай мева кўчатларини орзу қиладиган бўлиб қолди. Биз эса ана шу навларнинг яратилиш тарихи билан қизиқиб, Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига, шу бирлашма директори Маҳмуд ака Мирзаев ҳузурига бордик. У кишининг қизиқ ҳислати бор экан. Боғдан, меваларидан гап очсангиз — суҳбатижон бўлиб кетади, институт олимлари яратган, яратаётган янги мева навлари ҳақида бир олам янгиликларни; кишини лол қолдирадиган ишларни гапириб беради. Лекин гап айланиб ўзига келиб тақалди дегунча қисқа-қимтинишга, ҳали қиладиган ишларимиз олдида булар бир томчи, халқдан ҳали кўп қарздорсиз дейишга тушади. Табиатан камтар одам бўлгани учун ҳам ўзи ҳақида кўп гапиришни ёқтирмайди. Ёки гапни калта қилиб қўяқолади, ёки бўлмаса уни бошқа мавзуга, бирор янги нав меванинг фазилатига буриб юборади.

— Янги нав меваларимизга одамларнинг ишқи тушиб қолганича бор. Биз ҳар йили Иттифоқимизнинг турли чеккаларидан 20—30 минг хат оламиз. Ўзбекистондан эсдаликка фалон нав мева кўчатингиздан юборсангиз, деб сўрашади. Эҳ-ма манзурки, шундай хатлар келяпти. Биз уларнинг илтимосларини баҳоли қудрат қондиряпмиз. Лекин бу катта ишнинг бошланиши. Биз эндн йилига 40 миллион тун кўчат етказиб, республикамиз эҳтиёжини тўла таъминлашга эришдик, ҳолос. Аммо республикамизни ана шундай навли боғ-роғларга бурқаш учун, ўҳ-ҳў, ҳали қанча иш қилишимиз, энг муҳими, узоқни кўзлаб ишлашимиз керак. Халқнинг умиди катта биздан, — деди Маҳмуд аканинг ўзи.

Гапнинг сирасини айтганда, бирлашма олимлари, боғбонлари республикамизда боғдорчилик илмини, боғдорчилик соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини тарозига қўядиган бўлса, унга жуда катта тош керак бўлур эди. Тасаввур қилинг-а, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тавсияси билан сергайрат ва ташабускор агроном Маҳмуд Мирзаев академик Шредернинг ўрнига директорликка келган кезларда боғдорчилик станциясининг ниҳояти 64 гектар ери, 36 илмий ходими ва 2 та лабораторияси бор эди. Эндиликда эса у Иттифоқдаги энг йирик боғдорчилик илмий-ишлаб чиқариш полигонига, мева навлари илми билан шуғулланиш, янги навларни яратиш, тадқиқ этиш, синаш, кўчатини кўпайтириш, боғлар ташкил этишдан тортиб, унинг ҳосилини қайта ишлаш, боғдорчиликни механизациялашгача барча жараёнларни комплекс олиб борадиган жуда катта боғдорчилик бирлашмасига айланди. Унинг 40 дан ортиқ ташкилот ва филиалларида 400 дан зиёд илмий ходим, фан кандидатлари ва докторлари мевачилик илми билан шуғулланмоқдалар. Бирлашмаси-нинг 18 минг гектарлик ерида боғдорчилик билан шуғулланилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда, янги нав кўчатлари тайёрланмоқда. Энди 16 мингдан зиёд одам ана шу хайрли иш билан банд. Бирлашма ҳар йили 40 миллион дона навли кўчат етказиб беришдан ташқари 18 минг тонна мева маҳсулотлари бермоқда. Бундан бирлашманинг ўзи йилига 6 миллион сўм соф фойда кўрмоқда.

Лекин бу даражага осонликча эришилдими, бу навлар ўзича дунёга келдими! Қанча қаршиликлар, тўғаноқлар енгиб ўтилмади. Қанча жанглар, курашлар орқада қолмади. Ҳар бирининг ўзи бир тарих, қўшилса, бутун бир китоб бўлади. Бу китобни «директорнинг жанглари» деб атаса тўғри бўларди. Негаки, у келган кундан бошлабоқ раҳбарлик курсиси қанчалик оғирлигини, олдинда қанчадан-қанча ғовлар турганини, агар оғир, вазмин бўлмаса, адолат билан иш тутмаса бўлмаслигини яққол ҳис этди. Илм даргоҳининг баъзи китлари «қора иш»дан келган директорни ҳар чеккадан чўқилашар, уни ўз измларига солиб олишга уринишарди. Лекин академик Шредернинг ўрнига келган директор ҳам бўш келмади. Станцияни ҳақиқий илмий-текшириш институтига айлантиришга уриниб, илм ходимларидан эса чинакам фойдали иш билан шуғулланишларини қатъий талаб этаверди. Амалий аҳамиятга эга бўлмаган «илмий иш» билан йиллаб шуғулланиб, давлатнинг қанчаданқанча маблағини совураётганлар билан сира келиша олмади.

Бирлашма олимлари ўша кезлари содир бўлган бир воқеани ҳали-ҳали кулиб эслаб юришади. Бир куни директор фан кандидати Георгий Антонович Дилевскийни ўз ҳузурига чақириб,:

— Ҳурматли Георгий Антонович, сиз тажрибали олимсиз, ўзингизга маълумки, боғдорчиликни ривожлантириш институтимиз олдига янги талаблар қўйяпти. Ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамлашимиз керак. Сизга бир таклиф бор: мевачилик агротехникасини ишлаб чиқиш билан ўзингиз шуғуллансангиз, — деди.

— Яхши таклиф. Лекин мен ўз темамни охирига етказиб олсам, тўрт йилдан бери тажриба ўтказяпман, — деди олим ҳам.

— Яхши, тажрибангизни ўзим бориб кўрсам, — деди-ю, директор институтнинг Бўстонлиқ филиалига бориб кўзларига ишонмай туриб қолди. Дилевский девпечак қоплаб кетиб, ҳар бирқ чайлага ўхшаб кетган олма, олча дарахтларини кўрсатиб:

— Мана, «девпечакнинг мевали дарахтларга таъсири» бўйича илмий иш олиб бораётирман, тўрт йилдан бери шу ерда тажриба ўтказаётибман, — деди.

— Эссиз вақт, эссиз маблағ! — деди ўшанда директор. — Ахир, девпечакнинг нималигини, қандай балолигини халқ азалдан биладику. Сиздай олимга шуни илмий иш қилиб тасдиқлаб бериб ўтиришибдими?! Ҳақиқий олим керакли илм билан шуғулланмайдими! Сиз умрингизда шундай битта янги нав яратингки, токи одамлар номингизни эслаб юришсин. Ана уни илм деса бўлади, шундаймасми!» — деди.

Шунда «қора иш»дан келган директорга олим Дилевскийнинг ўзи тан берган, бу воқеа кўпларга сабоқ бўлган эди.

Бу директорнинг институтни чинакам илмий марказга айлантириш йўлидаги биринчи уринишлари эди, холос. Кейин селекция масалаларида яна қанча жанг қилишга тўғри келди.

Мичурин дурагайларидан чатиштириб яратилган янги нав 1956 йилги қишки қаттиқ совуқдан чиқмади. Мирзаевнинг таклифи билан олинган янги нав эса совуққа чидамли ҳамда меваси тотли бўлиб чиқди. Уни совуқ олмади. Бу директорнинг селекция ишларини тўғри йўлга солишдаги биринчи энг катта ғалабаси эди.

Янги навларни кўпайтириш зарурати йўл-йўлакай яна бир муаммони келтириб чиқарди. Янги навларни яратиш иши билан уни кўпайтириш вазифаси бир ташкилотнинг зиммасида эмаслиги ишга ғов бўлиб қолди. Директор бу масалани тегишли республика идоралари олдига кўндаланг қўйди.

— Кўчатзорлар институт ихтиёрида бўлиши керак, — дея ўз сўзида туриб олди у. Бунинг фойдали эканлигини ҳар томонлама далиллаб берди ҳам.

— Биринчидан, янги навларни жорий қилиш тезлашади. Иккинчидан, институт мутахассислари кўчат сифатини назорат қилиш имкониятига эга бўладилар. Учинчидан, хўжаликларга фақат навли кўчат етказиб бериш йўлга қўйилади, — деди у.

Унинг далилларига эътироз билдириша олмади. Шундан кейин республика кўчатзорлари қишлоқ хўжалик министрлиги ихтиёридан институтга олиб берилди. Натижада кўчат етказишни 50 баравар кўпайтиришга муваффақ бўлишди. Илгари ҳар йили 8—12 минг тун кўчат етиштирилган бўлса, ҳозир 40 миллион тун сара мева кўчати йил сайин хўжаликларга жўнатилаяпти.

Директорнинг яна бир ажойиб ҳислати бор. У эртанги кун ташвиши билан яшашга, 10—20 йил кейинги ишларни кўзлаб иш тутишга ўрганган. Маҳмуд ака бирлашма ҳузурида боғдорчилик машиналари бўйича махсус конструкторлик бюроси тузгани, боғдорчилик техникуми ташкил этгани шундан.

— Илм ўсиб, янги навлар яратилиб, катта-катта боғ массивлари ва хўжаликлари юзага кела бошлагач, малакали боғдорчилик кадрлари тайёрлашни кўпайтириш, боғдорчилик ишларини механизациялаш лозимлиги ўз-ўзидан кўриниб қолди.

Биз бу ишларни ҳам ўз зиммамизга олдик, — дейди у.

Ана шундай қилиб боғдорчилик, узумчилик илми, янги навларни яратиш, уни кўпайтириш, тарқатиш, республикада боғдорчиликни ривожлантиришдан тортиб, янги ихтисослашган совхозларда боғлар ташкил этишгача, уларни малакали боғбон кадрлар билан таъминлашгача бўлган барча ишлар бир қўлга ўтди. Буларнинг ҳаммасига илмий, оқилона ва малакали раҳбарлик йўлга қўйилди.

Яқинда СССР қишлоқ хўжалиги министри С. Месяц республикамизда бўлганида бирлашма фаолияти билан танишиб:

— Бу шубҳасиз Иттифоқда энг тўғри ва оқилона ташкил этилган, ишлаб чиқаришга энг яқин бўлган илмий бирлашма, — дея баҳолади.

Негаки бирлашма олимлари эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмай, янги-янги, энг тотли ва серҳосил навларни юзага келтирмоқдалар. Ўзбекистон шароитида ўсиб, кўпайиши даргумон деб ҳисобланган меваларни ҳам кўпайтириш йўлларини топмоқдалар. Мана, энг сўнгги янгиликлар ҳақида директор Маҳмуд ака Мирзаевнинг ўзи нима дейди:

— Маълумки, ёнғоқ дарахти 10—12 йилсиз ҳосилга кирмайди. Биз уч йилдаёқ ҳосил берадиган идеал ёнғоқ навини яратдик. Лимонимизни айтмайсизми! Ўз ватани Кавказда битта лимон дарахти 36—42 та ҳосил тугса, бизнинг шароитда 350 тагача ҳосил берянти. Олимларимиз ҳатто чойни ҳам ўстириб, унинг сифатини синаб кўришди. Бўстонлиқ ва Бойсун томонларда ўстириб кўрилган чойимиз сифати жиҳатидан ҳам, хушбўйлиги билан ҳам яхши чиқди. Бу қўёшли Ўзбекистонимизда боғдорчиликни ривожлантириш имкониятлари беқиёс эканлигини кўрсатиб турибди. Бу бизга битмас-туганмас куч-қувват, илҳом беради...

Боғдорчилик бирлашмасида бўлган одам кўпинча бир хил воқеанинг устидан чиқади. Директорнинг қабулхонаси ҳамиша гавжум бўлади. Улар орасида бошқа республикалардан келган олимлар, илмий ходимларни ҳам, область хўжаликларининг раислари, агрономларини ҳам, кўпинча эса, кўпни кўрган кексаларни кўриш мумкин. Илмий ходимлар билан хўжалик раҳбарларининг мақсади аниқ: янги нав сўраб келишади.

Маҳмуд ака ҳам ҳеч эринмай, вақтини аямай, улар билан отамлашади, меванинг халқ навларини ёзиб олади. Кейин топшириқ бериб, ўша ерга одам жўнатади. Ҳамма яхши нарсаларни йиғиб олишга, асраб қолишга, яна сортини яхшилаб, халқнинг ўзига кўплаб кўчат холида қайтаришга ҳаракат қилади. Шундай кекса боғбонларнинг таклифи билан кейинги йилларнинг ўзида қанча экспедициялар ташкил қилиниб, 450 хил ўрик, 350 хил шафтолининг халқ навлари йиғиб олинди.

Ана шунинг учун ҳам боғдорчилигимизнинг ҳақиқий жонкуяри, бутун билими, тажрибаси, ташкилотчилик маҳоратини шу соҳанинг илмий асосда гуркираб ривожланишига бахш этаётган Маҳмуд ака Мирзаевнинг номини халқ ҳурмат-эҳтиром билан тилга олмоқда, боғ боғбонимиз демоқда. Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатларини муносиб тақдирлади, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берди. Унинг бахти бугина эмас, минг-минг гектарли олмаанорли боғлар, шафтолизорларда, минг турли асал узумлар етишаётган поёнсиз токзорларда ҳамдир. Чунки у ширин-шакар мевали боғлари, янги навлари, фидойи меҳнати билан халқ дилига чўқир қириб бормоқда. Одам учун эса бундан улуғ бахт бўлмайди!

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
М. МАНСУРОВ.

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ДИЁР

Қорақалпоқ этюдлари

1. Ғалабадан сўнгги ғалабалар

Хафақон кеши сингари ҳаво қовғини солган. Дим. Қалдирғочлар ҳам кун бўйи ер ғағирлаб учишди. Кечга томон шамол турди. Чўл шамоли сокин чайқалаётган Аму сатҳини шитоб билан шопирар, қумларни совуриб, жиғиллар қаддини саломга эгилган келинчак мисоли букиб ўтар эди. Ҳалемай кўкдаги увада булутлар қуюқлашди. Уфқнинг қунботар бетини сарғимтир тўзон қоплади. Ўрозбой ака бир қиёмати илгамоқчидай осмон бўржига ташвишланиб қарарди. Саҳро тарафдан шамол коптокдай думалатиб келаётган чақиртиканакка кўзи тушди чоғи, маъюс бош чайқади.

— Ҳавонинг авзойи чатоқ! Ҳозир ғўзага қуёшнинг тафти керак! Аксига олиб?..

Шу чоғ «қарс» этди-ю, боғдаги ўрикнинг синган юқори шохи бир лаҳза осилиб қолди, кейин шамол шохни чирт узиб, бирёқлаға учириб кетди. Иирик-йирик, сийрак томчилар дераза кўзига «чирс»иллаб урилди. Ногоҳ, аллаким челаклаб деразага сув ураётгандай ташқари кўринмай қолди. Тунука том бир маромда шатирларди, холос.

Ўрозбой ака эшикни очди. Бир зумдаёқ ҳалқобчалар пайдо бўлган. Ёз ёмғири шалаббо заминни беаёв саваламоқда эди.

—Пахтанинг ҳоли не кечдийкин? — деди у яшил мовут шляпасини бошидан олиб, пешонасини уқалайуқалай. Кейин, ялт этиб бир четга ўтирган Рамат бобога қаради. (Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рамат бобо Эшчонов колхозининг оқсоқолларидан. Ҳозир саксон ёшда). Отахон Ўрозбой аканинг кўй кўзларидаги: «хўш, энди нима қиламиз? Сизлар қандай маслаҳат берасизлар?!» деган саволни ўқи-ю:

— Ҳаво очилиб кетади, раис! — дея тасалли берган бўлди. — Ғўзалар-ку, бар аввл-а. Айниқса, Тиловойнинг бригадасидаги ғўзалар-гуркираб ўсяпти. Офтоб ерни бир қиздирса... — Рамат бобо гапи рансга ботишмаганини сезиб, жим бўлди. Мошгуруч соқолини силаб, ўйга толди.

Орадан бир чойнак чой ичгулик вақт ўтди. Тарновлардан қуюлаётган ёмғирнинг «шатр»лаши босилди. Тунука томнинг «тирс»иллаши ҳам тинди. Фалак қопқасининг кувчиқар буржи хиёл очилди. Боятдан бери тинчини йўқотиб ўтирган Ўрозбой ака шоша-пиша эгнига ҳаворанг кителини илиб, ташқарига чиқди.

— Кетди! — деди раснинг ортидан қараб қолган Рамат бобо. — Ҳозир ёвонни бир айланиб, пайкалларни кўздан кечириб келмаса, Ўрозбойнинг кўнгли тўлмайди! Ўзи нимжон, бултур Тошканда анча даволанди, лекин ҳаловат нима — билмайди. Кеча-ю кундуз далада, — ишнинг бошида. Нарёғини сўрасангиз, рансимиз 1-Украина фронтида нақ Берлингача жанг қилиб борган. Урушдан ғалаба билан қайтган — кўкси тўла орден-медал!

Ўрозбой бир қанча вақт Крупская номли колхозда Оймхон Камолова билан бирга меҳнат қилди. Энди, Оймхонни таъриф-лаб ўтирмасам ҳам бўлади, ҳатто Озарбайжон, Тожикистонлардан атай келиб, қизимиздан пахтачилик илмини ўрганиб кетишади. Оймхондан таълим олган одам кам бўлмайди-да! Мана, Ўрозбой!

Етмишинчи йилларга келиб, бизнинг колхоз — «Ленинизм» жуда оқсаб қолди. Етмиш учинчи йили Ўрозбойни раисликка сайладик. Ўрозбойнинг бир яхши одати бор: бир ишга қўл уришдан илгари оқсоқолларимизни чақириб, кенгашади... Хуллас, ўша йилиёқ ҳосилдорлик ўттиз центнерга етди. Ишонасизлар, илгари ҳеч ам бундай ютуққа эришилмаган эди. Даромад ҳам бирйўлдек бўлди. Кейинги йилдан одамлар идорага машина сўраб келадиган бўлди.

— Ҳа, нима қиласиз? — деб сўрайди идорадагилар. Улар бўлса: — Янги уй солмоқчийдик. Мангитдан ёғоч, тахта олиб келамиз, — дейишади.

Одамлар типовой уйлар қура бошлаганини кўриб, Ўрозбой ҳам ўзини қўярга жой тополмай қолди. Дарров бизларни, активларни йиғиб, «ахшисн, бира-тўла планли асосда посёлкалар тиклаймиз», деб маслаҳат солди. Бу фикр кимга маъқул бўлмайди, дейсиз! Мана, ҳозиргача хўжалигимизда бешта посёлка бино бўлди. Учта болалар боғчаси, кинотеатр, кутубхона, ҳаммом... ишқилиб, шаҳардан қолишмайди.

— Хабарим бор, ўтган йили колхоз беш юз минг сўмдан зиёд фойда кўрди. Шунинг барчаси колхозчининг турмушини яхшилашга, каму кўстини бутлашга сарфланади-да! — деб суҳбатни қиздирди Ғучим бобо (Ғучим бобо Жодигаров колхоз қурилиши ветерани. Узоқ йиллар бригадага бош бўлган. Отахон ҳозир ҳам бўз йигитлардай кўксини кўтариб юради. Тўй-марака, байрамларда кўксига Ленин орденини тақиб олади). —Ҳамма хонадонда газўчоқ ёнади. Турмуши бекамиқўст бўлгач, эл ҳам пахтасидан бўлак нарсани ўйламайди! Тўлибой Ражабов деган камсуқумгина бригадиримиз бор. Олтмиш гектарга чигит экади. Бурноғи йил олтмиш центнердан ҳосил қўтарди. Бу йил етмишни кўзлаяпти! Колхозга келсак, бултур гектарига қирқ олти центнердан тушган эди. Бу йил эллик центнердан ҳосил қўтаришни мўлжаллашяпти. Ҳисобланг-чи, қанча бўлади — минг гектардан эллик центнердан! А?..

Полиз, чорва маҳсулотлари бир ярим баробардан, макка эса кўзланганидан икки ҳисса зиёд бўлди. Ўн етти тонна пилла топширилди. Бунинг ўзи бўладими! Энди Ўрозбой Оймхон Камолова, Отажон Худойберганов каби донғдор пахтакорлар билан бирга — елкама-елка ишлагандан сўнг, шулардан ибрат олади, устозларидан қолмасликка тиришади-да!..

Оқсоқолларнинг гапида жон бор эди. Гап шунда-ки...

2. Чин деҳқонга об-ҳаво писанд эмас!

Ўша кеча алламаҳалда тағин қутуриб шамол турди. Ҳатто кексалар ҳам бунақасини кўрмаган экан — ҳар томчиси шибирғони узум донасича келадиган ёмғир савалаб, кейин дўлга айланди, деҳқонни тинчидан айирди. Тун ярмидан ошган — уйқунинг энг ширин палласи. Бирин-кетин ҳонадонларда чироқ ёнди. Ҳа, Ўша кеча амударёликлар мижжа қоқмаган йўқ. Деҳқонларнинг безовта кечган сергаштиш тунни эди бу!

Саҳархез дала кезиб юрган кишиларни кўрдик. Гап шунда-ки, Ленин орденли Максим Горький номли совхоз директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отажон Худойберганов қўллаган пайкални кўрганда қалби чўкиб қолганига, киртайган кўзларига ёш қалқ-ганига гувоҳмиз! Бу бежиз эмас! Ахир бу йил «Горький»ликлар она-Ватанга йигирма минг тонна «оқ олтин» етиштириб берамиз, деб қаттиқ аҳд қилишганди. Дуркун ғўзалар ҳосилнинг чўғи мўл бўлишидан кафолат бериб турган эди. Аксига олиб, ёзда дўл ёққанини қаранг!

Ҳалқимизнинг ажойиб тамоиллари бор: бировнинг бошига ташвиш тушса, ҳамма унга шерик бўлади. Ўша кун, тонгдаёқ амударёликлар «Горький»ликларга кўмакка шошилди. (Чунки дўл-ёмғир райондаги шу хўжалиқнинг айрим пайкаллари-га талофат етказган эди). Биргина «Партия XX съезди» колхозидан ўн уч механизатор қўшни совхозга кўмакка отланди. Улар орасида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Болтабека Омонова ҳам бор эди.

... Болтабека азонда далага чиқди. Илқ баҳор тонгидек кун салқин. У кеча культивацияси чала қолган ёвонлаги ғўзаларни кўздан кечирди. Ер селгиган. Тушдан сўнг ишловни давом эттирса бўлади.

— Болтабека!

У қаддини ростлаб, товуш келган тарафга қаради. Бригада бошлиғи Йўлдош ака Шўлақов халлослаб келмоқда эди. — Қани, бўл! Отлан! Раис айтди: ҳозир «Горький»га етиб борарсанлар!

... У олдиндаги тракторлардан қолмаслик учун газни босади. Дириллаётган руль қўлларини титратади. Намчил асфальт ҳам, пайкаллаги ғўзалар барги ҳам қуёшнинг сўниқ шуъласида маъюс товланади. «Ишқилиб, буёғига ҳаво очилиб, кунлар қизиб кетса, бўлгани!» деб кўнглидан кечиради Болтабека. У Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетида сиртдан ўқимайдими, имтиҳон чоғи домлалари қизиқсиниб сўрашди:

— Бултурги хирмонингиз икки юз саксон тонннадан ошибди. Бу йил қанча термоқчисиз?

— Уч юз эллик тонна! — Болтабека шунга оғиз урди. Сўзининг устидан чиқмаса, бўлмайди. Бунинг учун ҳосил ҳам чакана бўлмаслиги керак-да!

«Ҳали-ҳозирча кеч эмас! — дея кўнглидан кечирада у. — Энди бу ёғи ўзимизнинг меҳнатимизга, қолаверса, Ҳалимбет оғанинг обитобида шарбатли сув тарашгаям боғлиқ».

Рост, бултурги минг тонналик чўғ хирмон ҳам осонликча ўйилгани йўқ! Юз қирқ тўрт гектар ёвоннинг деярлик ярмига бир ўзи сув тарайдиган Ҳалимбет Қарчиғайов, Болтабека Омонова сингариларнинг пахтажонлаги туфайли Йўлдош Шўлақов бригадаси хирмони ўтган йили минг тоннадан ошиб кетди. Бундай юксак хирмон уядиган бригадалар Ўзбекистонда ҳам саноқли. Пахтанинг саксон икки фоизи машиналарда териб олинди, ҳосилдорлик олтмиш икки центнерни ташкил этди. Уларнинг бу йилги мўлжали — етмиш центнер! Тўққиз юз эллик тоннадан зиёд «оқ олтин»ни машиналарда йиғиб олишмоқчи!

Колхоз раиси Турсунбой Шержонов, чамаси эллик ёшларда, миқтигина, ҳаракатчан киши. У обод қишлоқларни, ғўзалари барқ уриб ўсаётган далаларни бизга кўрсатиб юраркан, йўл-йўлакай машинани тўхтатиб, тушади-да, маҳаллий ўғит ташиётган тракторчига бир нималарни уқтиради. Ё бориб, пайкалда кетмонини кифтига ташлаб юрган сузчининг елкасига қоқади, кўрсаткич бармоғи билан узоқ-яқинларга имо қилиб, афтидан, топшириқ беради. Ҳоҳо дарвоза кесакисига суяниб ўтирган мўйсафиднинг ҳузурига бориб, сўрашади, узоқ суҳбатлашади. Машинага ўтиргач, гап беради:

— Чолларимиз табиатнинг ердаги элчилари-да. Оқсоқоллардан маслаҳат олиб, иш қилсанг, кам бўлмайсан, киши. Мана, отахон: «ҳаво очилиб кетди энди. Ёмғир намидан фойда кам. Ер тобига келиши билан қондириб суғортир», деяпти. Сувчиларга айтдик бу гапни. Эртан, чошгоҳларда сув тарашса...

Маълум бўлишича, Шержонов бундан ўн йил муқаддам колхозда раислик фаолиятини бошлаган. Шу даврда ҳосилдорлик йигирма беш центнер ўсган. Юз йигирма беш гектар қўриқ ер ўзлаштирилган. Бу йил хўжаликда минг йигирма беш гектар ерга чигит қадалган. Мўлжал — бултургидан беш центнер зиёд, яъни олтмиш центнер! Ҳосилнинг саксон уч фоизи машиналарда териб олинади.

Ўтган беш йиллик ютуқлари эвазига колхозда кўплар мукофотланди. Шулар қатори ранс ҳам иккинчи маротаба Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Етмиш тўрт, етмиш олти, етмиш тўққизинчи йилларда колхоз пахтакорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини қўлга киритдилар.

— Эсларингизда бўлсин! — деди Турсунбой Шержонов биз билан хайрлашаркан. — Кузда, маррани эгаллаган кун телеграмма юбораман! Ҳосил тўйига келасизлар. Гапим — жиддий. Бу дўл-ёмғирлар бизга писанд эмас! Лафзимиз — лафз: олтмиш центнер бўлади!

3. Камалакнинг етти ранги

Мангитликлар Амуни шаддот, шўх дарё дейишар экан. Дарё эса мискин. Бўтана сув бетини чайқалади. Тўлқинлар ёлғи қуёшда ипакдай товланади.

Мана, ниҳоят паром (ясси кема)нинг биқини соҳилга қадалди. Бу қирғоқ жиғилзор, бундан буёғи кетакетунча — чўл. Паромдаги машиналар бирин-кетин йўлга тушмоқда. Биз ҳам шофёр машинани катта йўлга чиқаришини кутиб турибмиз. Ҳамроҳимиз — таниқли адиб Тўлепберган Қаипберганов ғамгин тебранаётган жиғилларга термулганча хиргойи қилади:

Қурбақа булбули-ғмдир,
Жиғилдир гули-ғм...

— Бу қадимий ўланни яқин-яқингача қизларимиз қўйлашар эди. Ҳозир, ё чўлга чиққанимда ва ё қишлоқда, осуда кечалар қурбақанинг қуриллаши қулоғимга чалинганда шу ўлан ёдимга тушади, — дея ҳикоя қилади адиб. — Чунки кундан-кунга халқнинг турмуши ўзгармоқда, қишлоқлар обод бўлмоқда. Чўллар ўзлаштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоқ диёри чирой очмоқда! Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Амударё районининг ҳозир энг ҳосилдор саналадиган кўпгина ерлари қақраб, шўрлаб, янтоқ босиб, жиғил ўсиб ётар эди. Энди-чи?!

Амударё автоном республикадаги энг йирик пахтачилик райони ҳисобланади. Амударёликлар бу йил етмиш минг тонналик хирмон уйишга бел боғлашган!

Мен бундан бир неча йил муқаддам Ленин орденли Максим Горький номли совхозда бўлган эдим. Кеча боғранимизда, тўғриси, ҳайрон қолдим! Ўтган беш йилликда совхозда икки минг икки юз саксон квадрат метр уй-жой, икки минг саксон ўқувчига мўлжалланган тўртта типовой мактаб, уч юз қирқ ўринли тўртта болалар боғчаси тикланипти-я! Бешта қойилмақом ҳаммом, касалхона, тикув цехи... Рамат бобо айтганидек, шаҳаржойдан қолишмайди! Булар — деҳқон меҳнатининг, «оқ олтин»нинг ҳосиласидир!.. Тўлепберган оға жим бўлиб қолди. Йўл тасмадай чўзилган, икки ён — сайхон, Қум барханлари, жиғиллар, шувоқлар, қовжираган кўкатлар киши кўнглига хомушлик солади. Беихтиёр Ўрозбой Давлатбоевнинг суҳбати ёдга тушади: «Нақ Берлингача жанг қилиб бордик. Ватан учун, ҳаёт учун, мана шу кунлар учун курашдик. Шу жангда ҳаётни жон-дилидан севган милларлаб кишилар ҳалок бўлди. Биз ўшалар ҳаққи, ҳаётимиз ҳаяқм маъноли, туғ мушимиз кўркам, ғўзал бўлиши учун интилмоғимиз керак! Насиб этса, Юмуртов бағридаги дашт-у биёбонларни ҳам ҳадемай боғ-роғларга, пахтазорларга айлантирамиз!»

Инсон орзу-умид билан яшайди. Эрта бир кун мана шу сайхонликлар ўрнида шаҳар-у қишлоқлар, боғ-у роғлар қад кўтарса, бир ёнда эса Оролга туташиб кетган яшил пайкаллар... қўш денгиздай чайқалиб ётса, ажаб эмас!

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхозининг азамат пахтакорлари бу йилги об-ҳаво қийинчиликларга қарамай, гектаридан 45 центнердан хирмон кўтариш учун қатъият билан кураш олиб бормоқдалар. Хўжаликнинг барча далаларида экинларга комплекс ишлов берилаётир. Далаларда суғориш ишлари тўғри ташкил этилган. Деҳқонлар зарбдор юз кунлик ҳаракатига қўшилиб, парваришдаги қолоқликни тугатмоқдалар. Суратда: шу хўжаликнинг участка агрономи Пошшажон Хуббиева.

Қ. ОТАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

УМИД НИШОНАЛАРИ

РЕПОРТАЖ

Янгиқўрғон районида Ильич номли колхоз бор. Унга деҳқон фарзанди Қумрихон Боймирзаева раислик қилади. Бундан ўн беш кунлар олдин опа билан учрашиб, ғўза парваришининг бориши ҳақида суҳбатлашдик. Шунда опа ғамгин, маъюс эди. Қўзаларини бир нуқтага қадаб, оғир хўрсиниб қўяр, ўзича нималарнидир ҳисоб-китоб қиларди. Ҳа, бу бежиз эмас эди. Табиий офат тоғ бағрига жойлашган бу хўжаликнинг дуркун ўсаётган ғўзаларини ер билан яксон қилиб кетганди...

Ўшанда раиса опа Адашхон Ҳайитбоеванинг 154 гектар майдондаги ғўзаларини сел бутунлай ювиб кетганини, айниқса, ачиниш билан айтган эди. Биз ўтган куни шу бригада далаларида бўлдик, пахтакорлар ҳалол меҳнат билан мўл ҳосилга замин бунёдга келтираётганларини кўриб қувондик.

— 1.284 гектар майдондаги ғўзаларни қайта бунёдга келтирибгина қолмасдан, — очиқ чеҳра билан гап қотди раиса опа, — 40 центнердик ҳосил нишоналарини ҳам яратяпмиз. Лекин ғўзалар ёш, озуқа, сув, парвариш талаб қиляпти. Областимизда ғўза парваришида эълон қилинган 100 кунликка қўшилиб, ғўзаларга очиқтирмай озуқа, чанқатмай сув беряпмиз.

Хўжаликда табиат ўжарликлари сабабли юз берган қийинчиликларни тугатиш, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга ҳамма сафарбар этилган. Қайси бригадада бўлманг, ҳамма бир кунда бир ярим-икки кунлик графикка теңг дала ишларини бажаришга ҳаракат қилаётганини кўрасиз.

Ҳамма далага чиққан, ҳар бир киши баҳолиқудрат кетмон чопяпти, ғўзаларнинг бўғзига қадар майин тупроқ тортяпти, бегона ўтларни йўқотяпти, ҳашаротларга қирон келтираяпти. Бир сўз билан айтганда, ғўзалар деҳқонлар ардоғида, демак, юқори ҳосил етиштирилади. Ёқубжон ота Чўтбоев, Норинбой ота Холматов, Азимбой ота Дадабоев, Тилов ота Сарибоев каби қарияларнинг пешана тер тўкиб қилаётган меҳнатини кўрган киши ҳақиқатда пахта ишқи ҳаммани оёққа қалқитганини кўриб қувонади.

— Давлатимиз катта ёрдам кўрсатди, — дейди раиса опа, — халқимиз бу ёрдамдан ишнинг кўзини билиб фойдаланяпти. Биз йил бошида 5.000 тонна «оқ олтин» етиштирамиз деган эдик. Халқимизнинг ғайраттшижоати, ғўзамизнинг қолатига қараб айтамиз: съездлар йилида она-Ватанга 5.100 тонна пахта етказиб берамиз

Наманган областининг Чортоқ, Косонсой, Чуст ва бошқа районларида ҳам ғўза парваришида табиий офат оқибатлари тезкорлик билан бартараф этиляпти.

А. НИЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АНГОЛАДА

ЛУАНДА, 20 июнь. (ТАСС). Мамлакат халқ мажлисининг таклифига биноан Ангола Халқ Республикасига расмий визит билан келган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. Б. Усмонхўжаев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Уамбо ва Маланже вилоятларида бўлди, халқ ҳокимияти маҳаллий органлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар «Улисс» велосипед заводининг иши билан, корхонада социалистик мусобақанинг ташкил этилиши билан танишдилар, ҳарбий билим юртида бўлдилар.

Совет парламент аъзоларининг Маланже вилоятидаги какузу давлат хўжалиги меҳнаткашлари билан учрашуви Совет — Ангола дўстлигининг ёрқин намойишига айланди. Ангола деҳқонлари Совет Ўзбекистонидан келган мутахассислар ёрдами билан ва совет техникасидан фойдаланиб етиштирилган биринчи сорт пахтани фахр билан кўрсатдилар.

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА «РУДЕ ПРАВО» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ПРАГА, 18 июнь. (ТАСС). Империалистик, антикоммунистик марказлар қўллаб-қувватлаб, илҳомлантириб турган контрреволюцион кучлар, социализм душманлари Польшанинг бутун снёсий, иқтисодий ва мафкуравий турмушини қамраб олган чуқур тангликдан фойдаланганлари сабабли мамлакатда хатарли вазият вужудга келди. Айни вақтда ПБИП раҳбарлари социализм душманларига кескин зарба бердилар, деб ёзади ЧКП Марказий Комитетининг органи «Руде право» газетаси.

Газета ўзининг бош мақоласида КПСС Марказий Комитетининг ПБИП Марказий Комитетига ёзган хати муносабати билан Польшадаги аҳволни таҳлил этади. Бу хатда, деб уқтиради газета, ПХРдаги ҳозирги вазият шунчаки хатарлигича бўлиб қолмай, мамлакатни қатис нуқтага келтириб ҳам қўйганлиги зўр куч билан таъкидланди.

Социалистик Польша душманлари ҳокимиятни қўлга олиш учун жон-жаҳдлари билан интилмоқдалар, позицияларни бирин-кетин қўлга киритиб олмоқдалар. Польшадаги социализм иши учун пайдо бўлган хавф мустақил Польша давлати мавжудлигининг ўзига ҳам таҳлика солмоқда. Антисоциалистик кучларга уларнинг тараққиёт талабларига доимо ён бераверишлар шунга олиб келдики, ПБИП чет элдардаги империалист кўпорувчи марказларнинг мададига таянаётган ички контрреволюциянинг қисуви олдида қадам-баҳадам чекина берди.

Мана шу мураккаб вазиятда КПСС Марказий Комитети ПБИП Марказий Комитетига хат билан мурожаат қилди, бу эса қардош коммунистик партиялар ўртасидаги муносабатларда табиий бир ҳодиса. Польшадаги социализмнинг тақдири учун жуда хавотир олинаётганлиги сабабли шу хат юборилганини унинг бутун маз муни кўрсатиб турибди. Хатдаги ўртоқларча, самимий ва принципиал сўзлар КПСС нинг Варшава Шартномасида ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдом Кенгашида қатнашувчи малакатлар бўлмиш Польшадаги социализмни ҳимоя қилиш тўғрисидаги чуқур ташҳ ҳрлигини ва манфаатдорлигини яққол кўрсатиб турибди.

Биз социалистик Чехословакияда, деб таъкидлайди «Руде право» газетаси, КПСС Марказий Комитетининг хатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Бу хат қардош Польшадаги аҳвол тартибга тушишидан, шимолий чегарамизда ишончли ва содиқ иттифоқчимиз бўлишидан бизнинг ҳам манфаатдорлигимизни ифодалайди.

ПХРдаги вазиятнинг ривожи у ердаги контрреволюцион кучлар 13 йил муқаддам Чехословакияда ишлатилган тактикани танлаб олаётганликларидан ва ўз олдиларига худди ўша мақсад — контрреволюцион тўнтариш ўтказиш мақсадини қўяётганликларидан далолат беради. Контрреволюция олдида чекиниш мумкин эмаслигини, позицияларни ўзига бирин-кетин оппортунистларча бериб қўйбериш мумкин эмаслигини бизнинг ўша йилдаги аҳволни таҳлил этади. Бу хатда, деб уқтиради газета, ПХРдаги ҳозирги вазият шунчаки хатарлигича бўлиб қолмай, мамлакатни қатис нуқтага келтириб ҳам қўйганлиги зўр куч билан таъкидланди.

Социалистик Польша душманлари ҳокимиятни қўлга олиш учун жон-жаҳдлари билан интилмоқдалар, позицияларни бирин-кетин қўлга киритиб олмоқдалар. Польшадаги социализм иши учун пайдо бўлган хавф мустақил Польша давлати мавжудлигининг ўзига ҳам таҳлика солмоқда. Антисоциалистик кучларга уларнинг тараққиёт талабларига доимо ён бераверишлар шунга олиб келдики, ПБИП чет элдардаги империалист кўпорувчи марказларнинг мададига таянаётган ички контрреволюциянинг қисуви олдида қадам-баҳадам чекина берди.

Мана шу мураккаб вазиятда КПСС Марказий Комитети ПБИП Марказий Комитетига хат билан мурожаат қилди, бу эса қардош коммунистик партиялар ўртасидаги муносабатларда табиий бир ҳодиса. Польшадаги социализмнинг тақдири учун жуда хавотир олинаётганлиги сабабли шу хат юборилганини унинг бутун маз му

УЛУҒ ВАТАН УРУШИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

ВАТАНПАРВАРЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

Совет Иттифоқининг герман фашизмига қарши олиб борган Улуғ Ватан уруши СССР халқлари бирлиги ва дўстлигига, уларнинг матонатига, Улуғ Октябрь ғояларига садоқатига жуда катта синов бўлди. Гитлерчиларнинг мамлакатимиз халқлари ўртасига низо солиш умиди пучга чиқди. Даҳшатли уруш йилларида Советлар мамлакатининг барча халқлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига мустаҳкам жипслашиб, босқинчиларга қақшатқич зарба бердилар.

Уруш йилларида мамлакат ичкарисида қолган аёллар, қариялар, ўсмирларнинг меҳнат фронтидаги жасорати ҳам тахсинга лойиқдир. Улар ғалаба учун армиямизга нимаики зарур бўлса, ҳаммасини фронтга етказиб бериб турдилар.

Шу билан бирга мамлакат ичкарисида умумхалқ мудофаа фондини вужудга келтириш учун ватанпарварлик ҳаракати авж олиб кетди. Бу ҳаракат совет кишилари оммавий ватанпарварлиги ва интернационал бирлигининг ёрқин кўриниши эди.

1941 йил 29 июлда «Правда» газетаси «Меҳнаткашлар мудофаа фондини барпо этишни таклиф қилмоқдалар» деган сарлавҳа билан хатларга обзорни босиб чиқарди. Бу хатларда ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, совет давлатининг қўшимча моддий ва пул ресурсларини яратишни таклиф қилган эдилар. Ана шундай таклифлардан бири июль ойининг бошларидаёқ Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари томонидан «Қизил Ўзбекистон» газетаси орқали киритилган эди. Тошкент область Ўрта Чирчиқ райони колхозчилари давлат олдидаги социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариб, фронтда қаҳрамонона жанг қилаётган жангчиларга совға юбориш таклифи билан чиқдилар. «Правда» колхози бригадири Дадамат Отахўжаев фронтчиларга 35 меҳнат кунини ҳадя қилди. Бошқа колхозчилар унга эргашдилар.

31 июлда Москвадаги «Красний пролетарий» заводи коллективи урушнинг охирига қадар ҳар ойда бир кунлик иш ҳақини мудофаа фондига ажратишга қарор қилиб, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни ана шунга даъват этди. «Красний пролетарий» ишчиларининг ташаббуси Коммунистик партия томонидан қўллаб-қувватланди ва бутун мамлакатга ёйилди.

Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлиб ўтган митингда меҳнаткашлар мудофаа фонди ташкил қилиш таклифини якдиллик билан маъқуллаб, уруш охиригача ҳар ойда бир кунлик иш ҳақини мудофаа фондига ўтказиш, мудофаа фондига маблағ тўплаш, учинчи беш йиллик заёмларини муддатидан олдин тўлашга қарор қилди. Бундай митинглар фабрика ва заводларда, колхоз ва совхозларда бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ватан мудофааси учун маблағ тўплаш ҳаракатини тўла қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг ватанпарварлиги мудофаа фондини барпо этишдагина эмас, бошқа ишларда ҳам ёрқин намоён бўлди. Ўзбекистонликлар иш ҳақининг маълум қисмини мудофаа фондига ажратиш, мукофотларни ана шу фондга беришдан ташқари мудофаа фондига озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам топширдилар. Масалан, Қўқон темир йўли ишчиси Раҳмат Аҳмедов Қизил Армия жангчилари учун консерва тайёрлашга ўз боғидан 650 килограмм шафтоли топширди.

Коммунистлар, комсомол аъзолари олиб борган кенг тушунтириш ишлари натижасида республикадаги ҳамма корхоналарда шанбалик ва якшанбаликлар ўтказилиб, шу кунги иш ҳақи мудофаа фондига топширилди. Биргина мисол. 3 август куни Ўрта Осиё темир йўлида ўтказилган якшанбаликда 177 минг темир йўлчи, уларнинг оила аъзолари қатнашди.

Совет кишиларининг ўз жамғармаларини мудофаа фондига топширганлари, уларнинг чинакам ватанпарварлиги, интернационал бурчга садоқати далилидир. Ўзбекистон ССР халқ артисти Тўхтасин Жалилов мудофаа фондига 8500 сўмлик заём облигацияларини ва 1 минг 500 сўм нақд пулни топширди. Қарши шаҳридаги ўлкашунослик музейининг директори Шароф Ҳафизов бундай деб ёзди: «Мен мудофаа фондига 200 сўм ажратаман ва урушнинг охиригача ана шу фондга ҳар ойда маошимнинг 5 процентини ажратиш мажбуриятини оламан».

Қишлоқ меҳнаткашлари давлатга дон топшириш планларини муддатидан илгари бажариб, мамлакат мудофаа фондига қўшимча равишда қўплаб дон етказиб бердилар. Наманган областидаги Поп райони меҳнаткашлари эса 130 гектар ерга маккажўхори, сабзи, давлаги экиб етиштирилган ҳосилнинг ҳамасини мудофаа фондига топширдилар.

Хонқа районидаги «Оқолтин», Хива районидаги «Инқилоб» колхози партия ташкилотлари эса мамлакат мудофаа фондига пахта топшириш ташаббусини бошладилар. Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг бюроси пахтакорларнинг бу ташаббусини маъқуллади ва оммалаштирди.

Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, фойдаланилмаётган ерларни ишга солиш ва бу ерларга мудофаа фондига ҳамда немис-фашист босқинчиларидан зарар кўрган хўжаликларга ёрдам учун экин экишга қарор қилдилар. Шу тарика биргина Янгийўл районининг ўзида мудофаа фондига 185 гектар ерга экин экилди. Мирзачўл райони комсомоллари ишдан кейин 26 гектар ерни ҳайдаб экин экдилар. Ховос райони ёшлари мудофаа фондига атаб 150 гектар ерга галла экдилар.

Урушнинг оғир кунларида, душман ғаллакор районларни босиб олиб мамлакатимизда дон етишмаган бир пайтда республикамиз меҳнаткашлари ортиқча донни давлатга топшириш ҳаракатини бошладилар. Улар ўз оилалари учун энг кам миқдорда дон олиб қолиб, қолган қисмини давлатга топширдилар.

Урушнинг дастлабки икки йилида Ўзбекистонликлар фронтга озиқ-овқат ва маданий товарлар ортилган 500 вагон совға юбордилар. Ватан мудофааси фондига 74 миллион сўм нақд пул, 65 миллион сўм заём облигацияси, 50 килограммга яқин қимматбаҳо металларни топширдилар. Ана шу даврда республика меҳнаткашлари мудофаа фондига атаб планга қўшимча равишда 8 минг гектар ерга экин экдилар. Бутун уруш давомида Ўзбекистонликлардан Ватан мудофааси фондига 650 миллион сўм пул ва 4 миллиард 226 минг сўмлик давлат заёмлари тушди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз ихтиёрлари билан топширган маблағ ҳисобига «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» танк колоннаси, республикамиз номи қўйилган турли колонналар ва авиация эскадрильялари қурилиб фронтга юборилди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг бу ёрдами фашистлар Германияси устидан ғалаба қўшишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

М. ҚОСИМОВА,
тарих фанлари кандидати.

БУГУН — МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Медицина байрамларини бирон шиор остида ўтказиш анъана бўлиб қолди. Жумладан, совет шифокорларининг бу йилги профессионал байрами «Ҳар бир совет кишисига ўз вақтида, меҳрибонлик билан ва малакали тиббий ёрдам кўрсатамиз» деган шиор остида нишонланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек «Шундай қилиш керакки, токи совет кишиси ҳамиша ва ҳамма жойда ўз вақтида, малакали ва гамхўрона медицина ёрдамини оладиган бўлсин». КПСС XXVI съездининг мўътабар минбаридан туриб айтилган бу сўзлар бутун мамлакатимизда бўлгани каби, серқуёш республикамизда ҳам даволаш-профилактика ишларини янада яхшилаш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш юзасидан олиб борилаётган барча тадбирларга асос бўлиб қолади.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш системасининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Кейинги йилларда бир сменада 22 минг кишига хизмат кўрсатадиган 60 дан ортиқ янги поликлиника ишга тушганлигини айтиш кифоя. Айниқса аҳолига стоматология йўли билан ёрдам кўрсатишга катта эътибор берилмоқда. Самарқанд, Наманган ва Қарши шаҳарларида стоматология поликлиникалари ишга тушди. Ҳозир республикамизда саноат корхоналари, қурилиш, колхоз ва совхозларда, ташкилот ва муассасаларда, олий ўқув юртлари, техникум ва ҳунартехника билим юртларида, мактабларда замонавий медицина техникаси билан жиҳозланган тиш даволаш кабинетлари ишлаб турибди.

Юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш иши кейинги беш йилликда айниқса жадал ривожланди. Кардиология илмий-тадқиқот институти, 36 та кардиология бўлими очилди. Қарши шаҳрида кардиология диспансери ишга тушди. Айни чоғда миокард инфаркти билан оғриган беморларни санаторийларда даволашни янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик, ҳеч шубҳасиз, соғлиқни сақлаш ишларини янада юксак поғонага кўтариш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини оширишда янги марралар забт этиладиган давр бўлади. Ана шу масала партия, совет, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг, саноат корхоналари ва хўжалик раҳбарларининг доимий диққат эътиборида эканлиги бунинг гаровидир.

Ҳозирги кунда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Ёш мутахассис ишда ўрнашиб олиши учун барча шароит яратилишига, меҳнатдаги ютуқлар учун модий ва маънавий рағбатлантиришдан омилкорлик билан фойдаланилишига, қишлоқ шифокорлари учун берилган имтиёзлардан қандай фойдаланилаётганлиги қатъий назорат қилиб борилишига эришиш зарур. Бизда ўз сонли штати бўлган амбулатория-поликлиника муассасаларини йириклаштиришга, уй-жой кварталларида филиаллар очишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ишдан ташқари вақтда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соғлиқни сақлаш ишининг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Саноат корхоналари, хўжалик ва ўқув юртлари кун тартибига врач ҳамда ўрта медицина ходимлари иш куни графиклари баъзи жойларда мос эмас. Шанба ва байрам кунлари айрим медицина муассасалари тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажмини жуда қисқартириб юборадилар.

Медицина муассасалари тиббий ёрдам кўрсатишда кўпгина илғор иш формаларини қўлламоқдалар. Баъзи оқкўнгил бўлишини ҳам иш ташини унутмаслик керак. Зеро, унинг тақдири ана шу шифокорга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолади.

Фарзандларимиз соғлом ўсишини таъминлаш келажакда халқ хўжалигининг турли соҳаларида барча ишни ўз қўлига оладиганлар саломатлигини таъминлаш демакдир. Худди шу боисдан ҳам истиқбол эгалари сиҳат-саломатлигини муҳофаза этишга бизда катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда 70 га яқин йирик болалар касалхоналари, 45 санаторий ва бошқа кўпгина медицина муассасалари бор. Шифохоналардаги 42 минг ўрин болаларга ажратилган. Ўнинчи беш йилликнинг ўзида Тошкент, Маргилон, Наманган, Фарғона ва бошқа шаҳар ҳамда районларда болалар шифохоналари очилди. Аёллар консультациялари ва туғруқхоналар тармоғи ҳам кенгайиб бормоқда.

Республикамизда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш кучайиб бормоқда. Олис жойларда яшовчиларга малакали ёрдам кўрсатиш мақсадида кўчма амбулаториялар ташкил этилган. Иттифоқда биринчилар қатори бизда болалар билан бир йўла оналар ҳам даволанадиган муассасалар очилди.

Мамлакатимизнинг яқин ўн йилга мўлжалланган тараққиёт режаларида «Соғлиқни сақлаш системасини ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилинсин. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражаси ва сифати оширилсин. Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, уларнинг структурасини такомиллаштириш ва оқилона жойлаштириш кўзда тутилсин» дейилган. Ўн биринчи беш йилликнинг ана шу муҳим социал вазифалари КПСС XXVI съездида белгилаб берилди. Барча совет халқи қатори республикамиз медицина ходимлари ҳам партия режаларини якдиллик билан маъқуллаб, уларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайрат, билим ва тажрибаларини ишга солаверадилар.

И. САВЕЛЬЕВА,
Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари.

Тошкентдаги 6-шаҳар поликлиникаси шифокорлари аҳолига медицина хизмати кўрсатишни йилдан-йилга яхшиламоқдалар. Акмал Икромов районидаги кўпчилик маҳалла ва кварталларда истиқомат қилувчи кишилар шифокорлар хизматидан мамнун бўлмоқдалар. 40 мингдан ортиқроқ аҳолининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилаётган поликлиника шифокорлари даволаш ишларини бундан ҳам яхшилаш мақсадида барча имкониятларни ишга солаётирлар. Суратда: бу шифо масканига келган Улуғ Ватан уруши ветерани пенсионер Собир Содиқов ва 6-поликлиника бош врачи Шоира Тожиева, бош врач ўринбосари Турсуной Дўстмуҳамедова, ич касалликлари бўлими мудири Гродно Нажимовалар акс эттирилган.

Б. Мизрохин фотоси.

СПОРТ

ЧАВАНДОЗЛИК:

КУЧЛИЛАР САФИДА

СССР чемпионати Москвадан бошланиб, Минск шаҳрида давом эттирилди. Ватанимиз пойтахтида чавандозларимиздан И. Содиқов (Сурхондарё) тўсиқлардан ошишда кумуш, Олимпиада чемпиони Ю. Ковшов (Тошкент) от йўрттиришда олтин, кумуш, бронза медалларини ютиб олишди. Белоруссия пойтахтида эса чавандозлик учун кураши бўйича мусобақалар ўтказилди. Тажрибали чавандоз, «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг аъзоси Валерий Дворянинов мусобақани муваффақиятли бошлади. У от йўрттиришда ва дала синови бақаларида ғолиблик супасининг иккинчи поғонасини эгаллади. Лекин уч курашнинг тўсиқлардан ошиш босқичида Валерийнинг «Ринг» лақабли аргумоғи бош бермай қўйди. Натижада вакилимиз 9-ўринни олди.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● ЧИМ ХОККЕЙ: Хоккейчи йигитлар ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари бўлди. Бу сафар самарқандлик спартакчилар Москвада «Фили» (1:1, 3:7), Ульяновск шаҳрида «Волга» (0:1) командалари билан учрашдилар. Тошкентнинг «Старт» командаси «Андижанец» коллективини (1:2) қабул қилди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА: Евпаторий шаҳрида пионерларнинг «Дўстлик» тўрт кураши якунланди. 36 команда иштирок этган Бутуниттифоқ финал баҳсида Тошкентнинг 175-мактаб болалар командаси фахрли учинчи ўринни эгаллади.

● ФУТБОЛ: Жиззахнинг «Бўстон» командаси Москвада «Локомотив» коллективи меҳмони бўлиб (0:3), имкониятни бой берди.

АХБОРОТ

СОВХОЗДА АТС

«Каршистрой» бошқармасининг «Целинстрой» трестига қарашли 15-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари Ульянов районидаги Дзержинский номли совхозда 200 точкали автомат телефон станциясини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Бу хўжаликнинг барча бўлим ва дала шийпонларини телефонлаштириш ва узоқ шаҳарлар билан алоқа боғлаш имконини берди.

САВДО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Пахтаобод районидаги Ёқубов номли колхоз қишлоғида янги универмаг қурилиб, ишга туширилди. «Навбаҳор» номи берилган бу универмаг қишлоқ меҳнат аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди. Бу ерда газламалар, болалар, катталар, хотин-қизлар учун кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш мумкин.

Янги универмаг ходимлари колхознинг барча бригадаларида сотувчисиз кўчма дўконлар ташкил этишди. Колхозчилар бу ғамхўрликдан хурсанд бўлишяпти.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

3%

3 ПРОЦЕНТЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ АҲОЛИ ПУЛ ОМОНАТЛАРИНИ САҚЛАШНИНГ ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ ФОРМАСИДИР

Заём 20 йиллик муддатга — 1966 йил 1 июлдан 1986 йил 1 июлгача чиқарилган.

3 процентли заём облигациялари барча омонат кассалари томонидан эркин харид қилинади ва сотилади.

Заём бўйича даромад бутун 20 йиллик муддатга йилига ўртача 3 процентни ташкил этади ва у ютуқлар сифатида тўлаб борилади.

3 процентли давлат ички ютуқлар заёми бўйича ҳар йили 8 марта: 15 февралда, 30 мартда, 15 майда, 30 июнда, 15 августда, 30 сентябрда, 15 ноябрда ва 30 декабрда ютуқлар тиражи ўтказилади.

ТИРАЖДА ҚАТНАШИБ ЙИГИРМА СЎМЛИК ОБЛИГАЦИЯГА 40 СЎМДАН 5000 СЎМГАЧА ЮТУҚ ЮТИШ МУМКИН.

Заём облигациялари бўйича ютуқ чиқиш эҳтимоли тираждан тиражга ортиб боради, чунки бир разрядга ютуқлар сони то заём мудда ти охиригача ўзгармай қолаверади, ютуқ чиқиб облигацияларнинг пули тўланиб, ўзи муомаладан олиб ташланади ва кейинги тиражларда қатнашмайди.

НАВБАТДАГИ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 30 ИЮНДА ЎТКАЗИЛАДИ.

3 ПРОЦЕНТЛИ ДАВЛАТ ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

* * *

ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА

27 — 28 ИЮНДА

1981 йилги Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереясининг учинчи чиқарилиши бўйича

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда 900 минг сўмлик 349 мингта буюм ва пул ютуқлари ўйналади. Бу ютуқлар қиймати чиқарилган лотерея билетлари умумий баҳосининг 60 процентини ташкил этади.

Бу ютуқлар орасида 35 та автомашина— «МОСКВИЧ», «ЖИГУЛИ», «ЗАПОРОЖЕЦ», 60 та «УРАЛ» аравачали мотоцикли, 725 та гилам ва гилам поёндозлар, ҳамда йирик пул ютуқлари бор.



ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШ БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги

ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ОШПАЗЛИК БИЛИМ ЮРТИ

1981-82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти турли разряддаги юқори малакали ошпазлар, қандолатчилар, официантлар тайёрлайди.

Ўқиш муддати 10-синфни битирганлар учун 2 йил 8-синфни битирганлар учун эса 3 йил.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга республикамиз шаҳарларида яшовчи ўрта ва саккиз йиллик маълумотли, 15—20 ёшдагилар кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Битирувчиларга ошпаз ёки кондитерлик мутахассислиги билан бир қаторда ўрта маълумоти ҳақида диплом берилади.

Барча ўқувчиларга ойига 32 сўмдан 41 сўмгача стипендия тўланиб, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юрти қошида волейбол, футбол, сузиш каби спорт секциялари билан бир қаторда хор, ўзбек ансамбли каби бадиий тўгараклар мунтазам равишда ишлаб туради.

Ўқиш даври иш стажига қўшилади.

Ишлаб чиқариш практикалари Тошкент шаҳридаги йирик ошхона ва ресторанларида ўтказилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ариза, автобиография, 6 та 3х4 сантиметрли фотосурат, тугилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), характеристика, яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, савдо ёки умумий овқатланиш тармоғидан йўлланма.

Бизнинг адрес: 700071, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Самарқанд дарбоза кўчаси, 60-уй (4, 9, 11-трамвайлар, 29, 32, 34, 36, 43«а», 90-автобусларнинг «Оқтепа» бекати). Телефонлар: 78-26-27, 78-82-69.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректорати, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети институт ректори, техника фанлари доктори, профессор Т. Ш. Ширинқуловга ўғли

ХАЛИЛнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент давлат университети ректорати, партия комитети, маҳаллий комитети, математика ҳамда амалий математика ва механика факультетларининг коллективлари математик анализ кафедрасининг доценти А. К. Борисовга отаси

Кенжа ВОРИСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 ИЮНЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Фан ва техника. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 14.50 — Совет Армияси марказий академик театрининг спектакли. 16.40 — Концерт. 17.10 — Коммунистлар турқумидан. 17.40— Қаҳрамон шаҳарлар ҳақида қўшиқлар. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 19.30 — Бугун медицина ходимлари куни. 19.45 — Хатларингиз асосида. 20.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол шарҳи. 22.35 — Киноконцерт. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Қўшиқ айтган етар муродга. 10.50 — Телевизион бадиий фильм. 11.55 — Қувноқ стартлар. 12.55 — Бугун медицина ходимлари куни. 13.05 — Табиатга муҳаббат. 13.35 — Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 40 йиллигига. 14.35 — Телефильм. 14.55 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ўйлаб топ. 19.00 — Меъморлар санъати. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30— Время. 22.05 — Докторни чақираман. Бадиий фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

22 ИЮНЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 Гимнастика. 10.05 — Қаҳрамон шаҳарлар ҳақида қўшиқлар. 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.15 Арқонни ич. Бадиий фильм. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Концерт. 16.40 — Телестадион. 17.10 — Орадан 40 йил ўтгач. 18.10 — Сиз яратган бог. 18.40 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга. 19.10 — Мультфильм. 19.30 — Глинка романслари. 19.40 — Қамал. Бадиий фильм. 21-30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.55 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон ССР халқ артисти композитор Дони Зокировнинг авторлик кечаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дони Зокиров авторлик кечасининг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Емхашак ишлаб чиқариш резерварлари. 22.25 — Оламда нима гап. 22.40 — Уруш — уруш-да. Бадиий фильм.

II.

18.40 — Қизиқарли математика. 19.10 — Бўёқлар симфонияси. 19.25 —Болалар учун фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Математика. 21.20 — Романтика телевизион театри.

РАДИО

21 ИЮНЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Лирик қўшиқлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Сиҳат-саломатлик. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвачилик — зардоб фронт. 13.30 — Медицина ходимлари учун концерт. 14.00 — Галланг мўл бўлса қўшиқ ҳам оғиздан тушмайди. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.15 — Спорт эшиттириши. 19.25 — Бахт ва меҳнат қўшиқлари. 20.15 — Куйлардан қўшиқларга. 21.00 — Дала шийпонида хизмат. 21.20 — Медицина ходимларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Д. Зокиров қўшиқлари. 23.15 — Дам олиш концерти.

22 ИЮНЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 —Кирқ йил муқаддам. Истеьфодаги генерал-лейтенант Ф. Норхўжаев суҳбати. 9.35 — Жаҳон бўйлаб бир овоз янграр. 10.15 —Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 —Андижонликлар ташаббусига кенг йўл. 14.00 — Ғаллакорларнинг долзарб дамлари. 18.15 — Ёшлик. 19.25 —И. Ҳамроев. Ўзбекистон хотинқизлари. Контата. 20.50 — Шу куннинг муҳим сиёсий воқеалари. 21.00 — Дўстлик ришталари. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Сизлар учун. Концерт. 23.15 — Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Сизлар учун. Концертнинг давоми.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда си — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54,14; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиет ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53--16, 32-53-20, 32-53-21,32-54-13; илюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-03; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-38; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02992. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 143. 7